

"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"  
 MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
 JAMIYATI  
 \*  
 QUVASOY SHAHAR  
 BO'LIMI  
 № 19  
 2022-yil 27-oktabr  
 150900, Mustaqillik ko'chasi 1 a-uy

"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК  
 Фарғона вилоят худудий бошқармаси  
 бошлиги  
 Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 октябр кунги 495-сонли хатингиз асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Кувасой шаҳар Кўчқорчи МФЙ худудида яшовчи 3500 нафар ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Кувасой шаҳар Кўчқорчи МФЙ ахолисини бир кунлик сув сарфи  $350 \text{ m}^3$  хисобланиб, уланиш нуқтаси: Кўчқорчи МФЙ худудидаги 1 дона ичимлик сув қудуги қазиш, мавжуд 2 дона сув иншоотини реконструкция қилиш, 3 дона замонавий 1-босқич (WILO) сув насоси ўрнатиш, 3 дона сув минораси ўрнатиш, 1 дона ТП ўрнатиш ва 2 томонлама электр тармоғи тортиш, хлорлаш хонаси қуриш, иншоот химоя худудини ўраш ҳамда Кўчқорчи МФЙ худудига лойиха асосида 10,5 км Д-110 ммли ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан холоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиша тажрибали лойиха институтларини жалб килган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза холосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Кувасой шаҳар бўлими бош мухандиси билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилishi шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ томонидан қабул килинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ  
 Кувасой шаҳар бўлими бошлиги:

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ  
 Кувасой шаҳар бўлими бош мухандиси:

БажиЧБ  
 А.Ходижужаев

А.Абдубоқиев

Н.Шайипов